

**IN PHYSICAL EDUCATION OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS  
TAKING ADVANTAGE OF NATIONAL ACTION GAMES IMPORTANT  
FACTORS** Салимов. Ф.М. Бухоро давлат университети жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти, п.ф.н. Бухоро давлат университети Фозилов А.Б. жисмоний маданият таълим йўналиши П-босқич магистри salimovgayrat@gmail.uz +998 97-280-41 40

**Аннотация.** Мазкур мақолада болаларни ўйинга ундаған омиллар, руҳшуносларнинг таъкидлашича ўйин ўз- ўзидан вужудга келмаслиги, бунда катталарнинг болаларга бевосита таъсир кўрсатиш услуги ҳал қилувчи роли, миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш жараёнида бошланғич мактаб ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак ҳақида таҳлил қилинган. Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, ўйин фаолияти, ҳаракатли ўйинлари, жисмоний тарбия ва спорт, ривожланиш, бадантарбия, жисмоний машқ.

**Аннотация:** В статье анализируются факторы, побуждающие детей к игре, психологи утверждают, что игра не происходит, решающая роль взрослых в способе непосредственного воздействия на детей, необходимость

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

учитывать особенности учащихся младших классов в использовании национальных игр действия. Ключевые слова: физическое воспитание, игровая деятельность, подвижные игры, физическое воспитание и спорт, развитие, фитнес, упражнения.

Rezyume: The article analyzes the factors that induce children to play, psychologists argue that play does not occur, the decisive role of adults in the way of direct impact on children, the need to take into account the characteristics of primary school students in the use of national action games. Key words: physical education, play activities, outdoor games, physical education and sports, development, fitness, exercise.

Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида “ ги қарорида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон педагогика жамияти тарбиянинг ноодатий бўлган шакл ва усулларини излаб топиш, ўсиб бораётган авлодда мустаҳкам умуминсоний ишонч, қарашни шакллантириш; шахсада

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

192

миллий маданият ва қадриятларни хурмат қилиш, авайлаб асраш туйғуларини ўстиришга дикқатни қаратмоғимиз лозим. Шу фикрларга асосланиб, ўсиб бораётган авлоднинг тарбия тизимида халқ педагогикаси тажрибалари, жумладан, миллий ҳаракатли ўйинлар ёшларнинг ҳарактери ва онгини бошқарувчи восита, асосий куч деб ҳисоблаш мумкин.

Болани ўйинга ундан омил унинг катта ёшдаги инсонларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шахслараро муносабати ҳақидаги тасаввури ва уларни шахсий фаолиятида синаб кўриш истаги, шунингдек, жамоа бўлиб ўйнаётган тенгкурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: а) ўйин фаолиятида бола турли ҳаракатларни тўлалигича намойиш этишга, уларни бажариш усулларини кўрсатишга иштиёқманд бўлади; б) кейинчалик эса барча хатти-ҳаракатларни умумлаштириб акс эттиришга уринади. Ҳақиқатан ҳам болани ўйинлар билан машғул қилиб, буюк ишларга тайёрлаш мумкин. Ўйин болалар учун эрмак эмас, балки уларнинг куч ва қобилиятини ўстиришга ёрдам берадиган муҳим воситадир. Гўдаклик давридан мактабгача ёшга ўтган боланинг фаолияти катталар раҳбарлигидаги фаолиятдан мустақил ўз-ӯзини назорат қилиш даражасига ўсиб ўтади. Бироқ, юқорида таъкидланган

барча шарт-шароитлар ўзаро узвий бўлмаслиги сабабли ҳар қандай ўйиннинг негизи вазифасини ўтай олмайди ва шунга кўра маълум давргача ўйин фаолияти предметларга боғлиқ тарзда амалга ошади. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ўйин ўз ўзидан вужудга келмайди, бунинг учун камида учта шароит мавжуд бўлиши керак: а) боланинг онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма- хил таассуротларнинг таркиб топиши; б) ҳар хил кўринишдаги восита ва тарбиявий таъсир усусларининг мавжудлиги;

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION  
OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

193

в) боланинг катталар билан тез- тез муомала ва мулоқотга киришуви. Бунда катталарнинг болага бевосита таъсир кўрсатиш услуги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу объектив шарт-шароитнинг ўзи миллий ҳалқ ҳаракатли ўйинларини ташкил этиш, яратиш учун ҳали етарли эмас, бунинг учун бола билан катталар ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Акс ҳолда мустақиллик вужудга келмайди. Қадимдан ота-боболаримиз ҳам болаларда аввало қаттиққўллик билан иродани, мустақилликни тарбиялаб, жуда кўп мақсадларни кўзда тутишгани маълум. Бунда катталар болаларга нисбатан талабчанликни ошириб, болани мустақил равишда ҳаракат қилишга ўргатишлари лозим. Шунга ўхшаш тадбирлар болада мустақиллик ва мустақил фаолиятни ташкил қилиш уқувини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги бола аста-секин катталарнинг ҳаёти ва фаолияти дунёсига кириб боради, олдин ҳамкорликдаги фаолиятда намоён бўлган ижобий ҳистойғулар, шижаот ва дадиллик сари етакловчи руҳий кечинмалар намуна даражасидаги катталарнинг руҳий оламига қўтарилади. Мактаб ёшида боланинг ўзи мустақил равишда катталарнинг ҳаёти ва фаолиятига кириш йўлларини топа бошлайди. У кейинчалик катталар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳасида, шахслараро муносабатларида қатнашиш истагини кўрсатадиган бўлади. Шунинг учун ҳалқ миллий ҳаракатли ўйинлари катталар билан бола ўртасида янгича муносабатни вужудга келтиради ва бу муносабатда миллий хусусиятлар: ўз юртини қадрлаш, ҳурмат қилиш, катталарга ҳурматда бўлиш каби фазилатлар шаклланиб, таркиб топиб боради. Ўйин фаолияти ўзининг мазмуни ва моҳияти билан ижтимоийдир. Миллий ҳаракатли ўйинлар бола мустақил фаолиятининг ёрқин намунаси бўла олади, бу жиҳатдан ўйинларнинг мазмуни орқали у катталарнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Ўйинда ана шу ўйин шароити ва предметли ҳаракатларнинг ўзаро муносабатида асосий эътибор предметлар билан кўпинча ҳаракат қилишга қаратилишини, бунда предметли ўйинлар масалан: тош билан, чопон, дўппи

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION  
OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

194

билин ва ҳоказолар бола ҳаракати учун етакчи фаолият вазифасини ўташини ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Аммо бола ўйинларда қандайдир вазифани бажара олади, буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан, бирор предметни бир обьектдан иккинчисига етказишга белгиланган ўйинларда шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш жараёнида бошланғич мактаб ўқувчиларининг қуидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак: 1. Боланинг катталар фаолияти, уларнинг предметларга муносабати ва ўзаро муомаласига, муносабатига қизиқиши. 2. Болалар ҳаракатли ўйинлари атрофдаги воқеликнинг энг ташқи ифодали, жўшқин ҳис-туйғули жиҳатларини акс эттиришини. 3. Миллий ҳаракатли ўйинларда боланинг катталар билан бир хил шароитда, ягона заминда яшаётганини ҳис этган ҳолда ўз истагини амалиётга тадбиқ қила олиши. Бизга маълумки, ўқувчиларнинг бир гурӯхи ўрганиш материалларини тез, иккинчи гурӯх нисбатан кечрок, учинчи гурӯх эса анча кеч ўзлаштириб оладилар. Ундан ташқари, ўрганиш материалларини ўзлаштиришда умумий жисмоний тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Боланинг жисмоний тайёргарлигига иқтисодий шароитлар: турап жойи, оиланинг моддий аҳволи, болалар сони, ота-онанинг билими, дунёқараши ва уларнинг иш жойи, унвони ҳамда бошқалар таъсир кўрсатиши мумкин. Олиб борилган кузатишлар, тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги, уларнинг дунёқараши, нутқи, машғулотлар жараёнидаги фаоллиги юқорида баён қилинган омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясининг қуидаги асосий вазифаларини бажаришда халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг роли ва ўрни ниҳоятда катта эканлиги кўринади:

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION  
OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

195

- 1) ўқувчиларни тўғри жисмоний ривожлантириш ва чиниктиришга ёрдам бериш;
- 2) ўқувчиларда ҳаракат малака, кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, янги ҳаракат турларига ўргатиш;

- 3) ёшга мувофиқ равища асосий ҳаракат сифатларини (куч, тезкорлик, эпчиллик, чидамлилик ва бошқалар) ривожлантириш;
- 4) ботирлик, қатъийлик, интизомлилик, жамоага бирлашиш, дўстлик ҳиссини, маданий хулқ кўникмаларини, меҳнатга муносабатни тарбиялаш;
- 5) турганда ва юрганда қоматни тўғри тутиш кўникмаларини шакллантириш.

Бундан ташқари яна ўқувчилар жисмоний тарбиясининг бир қанча вазифалари ҳам мавжудки, улар миллий ҳаракатли ўйинларни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида уйғун ҳолда ҳал этилади. Бу вазифалар бутун жисмоний тарбия тизимининг болаларга таъсир этиши туфайли муваффақиятли бажарилиши мумкин. Бунинг учун мактабнинг бутун педагогика жамоаси биргаликда ҳаракат қилиши, мактабда машғулотларни ташкил этишининг турли шакл ва усусларидан, айниқса, миллий ҳаракатли ўйинлардан, барча воситаларнинг яхлитлигидан фойдаланиш талаб этилади.

Болалар дарснинг бошқа шаклларига нисбатан ўйинларда кўпроқ сўзлашни эслаб қолиш ва эсда тутиш имкониятига эга бўладилар, бу эса ихтиёрий хотира хусусиятини чуқурроқ очишга ёрдам беради. Бундан эса шундай хулоса келиб чиқади: 1. Ўйин бола томонидан маълум роль танлаш ва уни ижро этиш жараёни бўлиб, бир талай ахборотларни эслаб қолишини талаб қиласди. 2. Шу боисдан хатти-ҳаракатни такрорлашдан иборат онгли мақсад болада олдинроқ пайдо бўлади ва осон амалга ошади.

**INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION** Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

196

Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, боланинг хулқ-авторига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болалар ҳам, бошланғич синф ўқувчилари ҳам, юқори синф ўқувчиларида ҳам ўз хулқини бошқариш кўникмаларини ўйинлар орқали ҳам таркиб топтириш мумкин.

Адабиётлар 1. Мирзиёев Ш.М “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори 2. Туленова Х.Б. Мактабгача тарбия муассасаларида 5-7 ёшли болалар жисмоний тарбиясини такомиллаштириш. Пед.фан. номзод. илм.дараж. олиш учун ёзил..дис. - Т.: 2000. -125 б. 3. Усмонхўжаев Т.С. I-III синф ўқувчилари учун жисмоний тарбиядан экспериментал ишлар олиб боришга доир дарс материаллари. Т.: Ўқитувчи, 1973.- 128 б. 4. Хамраев И.Т., Афраимов А.А., Исқандарова М.А., Вахронова Т.Х. Соғломлаштиришга йўналтирилганлик жисмоний маданиятнинг муҳим принципи сифатида. DOI : doi.org/10.47100/conference\_pedagogy/S2\_10 (Дата обращения: 11.11. 2020).

5.Shukurov R.S., Yusupova Z.ShAkramova G. Sh .PSYCHOLOGICAL PREPARATION PROCESS OF TURON FIGHTERS TO COMPETITIONS. International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192 , 2019.DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260300Pages: 30763083.<https://www.psychosocial.com/article/PR260301/14137/>.<https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/>

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center  
Section 1: New content of education in physical culture

197

7. Шукров Р.С. К истории развития узбекской традиционной борьбы Турун. Наука.Мысль.ISSN 2224-0152. № 6. Бухара –Волжский – Черногорск, 2014. 13-16. 8. АрслоновК.П.,Шукров Р.С. Изучение предмета “Виды национальной борьбы и методика её обучения” с помощью инновационных технологий. «Вестник по педагогике и психологии Южной Сибири» Научный журнал. Москва – Черногорск. 2013 г. № 4. –5 с. 1 ISSN 2303